



**АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖИГА ЭГА БОЛАЛАРНИ  
(ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН) ОИЛА ШАРОИТИДА  
КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИШЛАРИ**

Пўлатхўжаева М. Р.

доценти Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети

**Аннотация:**

Мақолада мактабгача ёшдаги эшитишида нуқсони бўлган болаларни она-оналарга оилада олиб бориладиган таълим, тарбия ва коррекцион ишлар юзасидан тавсиялар берилган. Оилалар билан муассаса ўзаро ҳамкорликни ташкил этишнинг самарали йўллари ёритилган.

**Аннотация:**

В статье даны рекомендации родителям детей дошкольного возраста с нарушением слуха по образовательной, воспитательной и коррекционной работе, проводимой в семье. Освещены эффективные способы организации взаимодействия семьи и учреждений.

**Abstract:** The article provides recommendations for parents of preschool children with hearing impairments on educational, upbringing and correctional work carried out in the family. Effective ways of organizing cooperation between families and institutions are highlighted.

**Калит сўзлар:** Нутқ, психолог, идрок, таълимий, тарбиявий, коррекцион-ривожлантирувчи, тафаккур, анализатор, коррекция, товуш, кўриш, эшитиш, тери, таъм, ҳид билиш, ҳаракат анализатор.

**Ключивые слова:** Речь, психолог, восприятие, образовательный, воспитательный, коррекционно-развивающий, мышление, анализатор, коррекция, звук, зрение, слух, кожа, вкус, обоняние, двигательный анализатор.



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

**Key words** :Speech, psychologist, perception, educational, educational, corrective-developmental, thinking, analyzer, correction, sound, sight, hearing, skin, taste, smell, motion analyzer.

Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиққишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштиришдир.

Инсон боласи атроф муҳит билан доимий равишда алоқада бўлиб, у кўриш, эшитиш, тери, таъм, ҳид билиш, ҳаракат анализаторлари орқали амалга оширилади.

Мактабгача ёш даври – инсон ҳаётида муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи палла. Бу даврда асосий одатлар, кўникмалар шаклланади, характер белгиланади, яъни бутун кейинги ҳаёт асослари қурилади, барпо этиладиган ҳар қандай иморат учун пойдевордир.

Эшитиш анализатори инсоннинг барча аъзолари ичида энг аҳамият-лиларидан саналиб, унинг асосий вазифаси нутқни идрок қилишдан иборатдир. Тўлақонли эшитиш нутқ шаклланишининг омили саналади. Нутқ орқали эса инсоннинг сўз-манتيкий тафаккури, умумий ва рухий ривожланиши содир бўлади.

Мактабгача тарбия муассасаси билан ота-оналар, жамоатчиликнинг ҳамкорликда олиб бориши керак бўлган ўзимизнинг миллий тарбия тизимимизни яратишни республикамиз институтларида ишлаб турувчи юзлаб етук педагог, психолог олимлар, минглаб ўз ишининг устаси бўлмиш илғор тарбиячилар, ота-оналар ва бошқаларнинг фикрларини ўрганган ҳолдагина амалга оширишимиз мумкин.

Ота-оналарга оила шароитида ташкил этилувчи машғулотларда асосий эътибор фарзандларининг нутқий, шунингдек, умумий ривожланишига қўйилган талабларнинг ечимига қаратилиши уқтирилди. Ўтказилувчи ҳар бир машғулотларга таълимий, тарбиявий ва коррекцион-ривожлантирувчи



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

вазифалар қўйилиши, уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиб борилиши тушунтирилди. Машғулотларнинг бундай ташкил этилиши болаларнинг нутқий, шунингдек, умумий ривожланиш даражаларининг меъёрга яқинлашувини таъминлаши қайд этилади.

Миллий сурдопедагогларимиздан Д.А.Назарова мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар. Муаллиф тадқиқот давомида ота-оналарнинг фарзандлари билан нутқини ривожлантиришга қаратилган фаолиятини ўрганиб, аксарият ота-оналарда фарзандларининг сўзлашув нутқини эгаллашини исташлари кузатилсада, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш муассасанинг зиммасида деб ҳисоблайдилар;

- ота-оналар тарбия жараёнида барча куч ва вақтларини боланинг эшитиш қобилиятини тиклаш учун сарфлаганлар;
- ота-оналар бола нутқининг ривожланиши ва шахсининг шаклланишида асосий ўринни муассаса ҳамда оила ҳамкорлиги эгаллашини тушунмайдилар;
- ота-оналар зарурий методик адабиётлар ва нутқини ривожлантирувчи ўйинлар йўқлигини қайд этадилар.

Д.А.Назарова махсус мактабгача тарбия гуруҳлари педагогларининг ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини такомиллаштиришга эришиш лозим, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг ота-оналари учун фарзандларининг ижтимоий ҳаётга мослашуви, соғлиғи ва ривожланишига оид мавзулардаги методик тавсияларни ишлаб чиқиш, улар ўртасида болаларнинг ижтимоий мослашуви, нутқий ривожланиши ҳақида тарғибот ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Оилалар билан муассаса ўзаро ҳамкорликни ташкил этишнинг қуйидаги тамойиллари белгиланган:

1. Педагогларнинг ота-оналар билан ўзаро ишончга асосланган муносабатлари тамойили - ота-оналарнинг педагогнинг касбий компетентликка эга эканлигига, унинг оилада бола тарбияси билан боғлиқ муаммоларни тушуниши ва ёрдам бера олишига бўлган ишончини назарда тутди.



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

2. Ота-оналарга ўзаро ҳамкорлик жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида ёндашиш тамойили – ота-оналар ижтимоий буюртмачи, бола тарбияси борасида ҳамкор эканликларини назарда тутди.

3. Ота-оналарни кадрлаш тамойили – ота-онанинг ҳар бирига бўлган ҳурматни, унинг индивидуаллиги ва такрорланмаслигини, хато ва адашиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олишни, ўқитувчини ота-оналарга нисбатан баҳо бериш позициясидан воз кечишни, ота-оналарга ўзларининг ижобий сифатлари ва қобилиятларини намоён этишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратишни назарда тутди.

4. Ота-оналарнинг шахсий манфаатдорлиги тамойили – ота-оналарга педагог билан ҳамкорликнинг фарзанди, ўзи ва оиласи учун бўлган фойдасини кўриш имконини бериб, бу уларнинг фарзандлари билан ўзаро фаолиятларини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

5. Ота-оналарнинг эмансипацияси тамойили – ўз фарзандларини яхшироқ тушуниш учун ота-оналарни эски қарашлардан ҳоли этишни, ўзларини янада чуқурроқ англаб этишни назарда тутди.

Эшитишида нуқсони бўлган болага оилада таълим ва тарбия бериш бутун кун давомида, барча тартиб, процедураларини (гигиеник процедуралар, овқатланиш, сайр) бажариш жараёнида, ўйин вақтида, эркин фаолиятда амалга оширилади. Бола турмуш тарзини, унинг ёши, жисмоний ва эмоционал имкониятларига адекват бўлган кун тартибини тўғри ташкил қилиш фавқулодда муҳим. Ҳар куни болалар билан махсус машғулотлар (икки ёки учта) олиб борилади, уларнинг давомийлиги 20 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши мумкин. Машғулотлар мазмуни ҳар хил фаолият турларини ўз ичига олади, уларни алмаштириб туриш бола толиқиб қолишининг олдини олади. Оилада бола билан унинг барча яқинлари нутқий мулоқотини кўзда тутадиган эшитиш-нутқ муҳитини яратиш мажбурий шарт саналади. Эшитиш аппаратларидан фойдаланиш ҳам эшитмайдиган бола билан ишлашда муваффақият қозинишининг муҳим омили саналади.

Ота-оналар томонидан ҳал қилинадиган оилавий тарбия вазифаларига болани маданий-гигиеник ҳамда ўз-ўзига хизмат кўникмалари билан таништириш ва мустаҳкамлаш, уни тартибга, орасталикка, ўйинчоқлар, китобларга



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

эхтиёткорона муносабатга ўргатиш; фойдали фаолиятга, кучига яраша мухнат жараёнларига интилишини ривожлантириш кабилар киради Бирок мутахассисларнинг нутқни шакллантириш ҳамда нутқий кўникмаларни мустаҳкамлаш, эшитиш фаолиятини ривожлантириш, жисмоний ривожланишдаги оғишларни коррекциялаш бўйича ишларини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Боланинг амалда бутун фаолияти катталар томонидан ташкил этилиши ва болага педагогик таъсир билан боғлиқлигига қарамай, болалар билан мунтазам машғулотлар ўтказиш керак, уларнинг мазмуни умумий ривожлантириш иши, нутқни, эшитиш идрокини ривожлантиришга оид махсус ўйин ва машқлардан иборат бўлади. Машғулотлар давомийлиги ва микдори боланинг ёши, психофизиологик ҳолатига боғлиқ. Машғулотлар кун давомида бир неча марта ўтказилади. Мутахассислар бир ёшгача бўлган болалар билан бир кунда учта 3-5 дақиқалик; икки ёшгача болалар билан икки-учта 10 дақиқалик; икки ёшдан беш ёшгача болалар билан 15-20 дақиқалик машғулот ўтказишни тавсия қилади. Машғулотлар, одатда, кунгнинг биринчи ярмида ва кундузги уйқудан кейин ўтказилади. Турли йўналишдаги машғулотлар ўзаро алмаштириб борилади. Машғулот ўтказиш жойларини: гиламда, ўйин бурчагида, стол атрофида аниқлаш керак. Машғулотларга тайёргарлик: ҳар бир машғулот мақсадини ўйлаб олиш, унинг режасини ишлаш, турли хил дидактик материални танлаш катта аҳамиятга эга. Эшитиб идрок этишни ривожлантириш боланинг билиш фаолияти, нутқ ва талаффузни идрок этиш механизмлари шаклланиши учун катта аҳамиятга эга. Қолдиқли эшитишни ривожлантириш бўйича ишларни эрта бошлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади, шу сабабли эшитиш функциясини ривожлантириш бола ҳаётининг биринчи йилларида тобора сензитив даврда амалга оширилади, бунда эшитиш анализатори физиологик жиҳатдан етилади, бу педагогик иш самарадорлигини таъминлайди. Дастлабки ойлар давомида болада катта одамнинг товуши, овозли ўйинчоқларга комплекс кўриш-эшитиш эътиборини жамлаш шакллантирилади. Эшитиш аппаратларидан эрта фойдаланиш боланинг эшитиш қобилиятини ривожлантиришнинг энг муҳим шартини саналади.



## International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

Шундай қилиб, ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим-тарбия бериш, шунингдек уларнинг ижтимоий мослашувини амалга оширишга бўлган замонавий ёндашувлар оилани бола ривожланиши жараёнига фаол киритишни назарда тутди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болаларни нутқини ривожлантириш  
Пед. фан. номз. дис.: Тошкент 2009 й
2. Файзиева У. Мактабгача ёшдаги эшитишида муаммоси бўлган болалартаълими. – Тошкент: Илм зиё, 2006. – 74 б
3. Носкова Л.П., Головчиц Л.А. Методика развития речи дошкольников с нарушениями слуха. – М.: Владос, 2004. – 344 с.